O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 1 ноябрь, № 213 (4623) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг ҳар йили январь ойида тугаган йил якунлари бўйича аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

танловда республиканинг барча тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари (филиаллари, мини-банклар, жамғарма ва махсус кассалар) иштирок этиши мумкин;

рейтинг баҳога кўра йил якунлари бўйича энг юқори балларни тўплаган тижорат банклари, филиаллар, мини-банклар, жамғарма ёки махсус кассалар танлов ғолиблари сифатида тан олинади;

танлов соврин жамғармаси танловда иштирок этаётган тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида ҳар йили танловлар ўтказишни ташкил этиш, якунларини чиқариш ва ғолибларни аниқлаш учун 1-иловага мувофиқ таркибда ташкилий қўмита тузилсин.

4. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш ҳамда унинг иштирокчиларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ташкилий қўмита (Ф. М. Муллажонов):

икки ҳафта муддатда танловни ўтказиш тартиби ва шартларини тижорат банкларига етказишни;

зарур миқдорда соврин жамғармасини шакллантиришни ва танлов ғолибларининг холисона аниқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари ташкилий қўмита билан биргаликда танлов ўтказилиши ва унинг натижалари кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф. М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 31 октябрь



Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, телерадиоканаллар, нашриётлар ва фонограмма тайёрловчи ташкилотлар томонидан ижро этилишига оид қарорининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ҚОНУН ИЖРОСИ МАСЪУЛИЯТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда қонун ижросига масъул идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш аввалида қўмитанинг 2007 йил режасига мувофиқ, шу йилнинг май ойида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг тилга олинган ташкилотлар томонидан ижро этилишига оид назорат-таҳлил ўтказилгани ҳамда тегишли ташкилотларга уни атрофлича таҳлил қилиш, ижросини таъминлаш ва амалга ошириш топширилгани айтиб ўтилди.

Ўтган давр мобайнида бу вазифанинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва қатор вилоятларда қонун ижроси ўрганилди.

Шунингдек, тадбирда жойларда ўтказилган ўрганишлар хусусида атрофлича сўз юритилди. Қонун ижросига масъул идораларнинг вакиллари бу борада бажарилган ишлар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳокама пайтида қонун меъёрларини амалга ошириш юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмаслиги ҳам эътироф этилди. Йиғилишда назорат-таҳлил якунлари бўйича қарор қабул қилинди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

САНОАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Президентимиз ташаббуси билан иккинчи бор ташкил этилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси Ўзбекистон саноати ҳафталиги номини олди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Чунки у иқтисодиётимиз етакчи тармоқлари ютуқларининг ҳақиқий намойишига айланди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Қолаверса, Тошкентда мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ саноат корхоналари ҳафта давомида ўзаро кооперацион алоқага киришишлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг самараси ўлароқ иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилувчи кўплаб йирик шартномалар имзоланди.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси савдолари маҳсулотлар ҳақида маълумот беришгина қолмай, балки у хўжалик юритиш субъектлари ўртасида ички ва ташқи тармоқлараро кооперацияларни мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топишда муҳим бозор механизмига айланди. Ушбу ярмарка мавзу жиҳатидан ниҳоятда кенг бўлиб, геология ва қидирув ишлари, минерал хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик ва қишлоқ машинасозлиги, электроника ва самолётсозлик, кимё ва фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларни қамраб олди.

— Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг анъанавий тус олгани ҳар томонлама фойдали иш бўлди, — дейди «Навоий кон-металлургия комбинати» бош директорининг ўринбосари Сергей Лисенко. — Негаки, форум комбинатимизга қарашли заводларда ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ошишига, янги маҳсулотлар сонининг кўпайишига хизмат қилаяпти. Энг муҳими, юртимиздаги корхоналарнинг фаолияти ва имкониятлари ҳақида кенгроқ маълумот олаяпмиз. Очиғини айтиш керак, илгари бундай ахборотларга эга эмаслигимиз туфайли ўзаро алоқалар кўнгилдагидек эмасди. Ушбу биржа кўплаб компаниялар ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш имконини бераётир.

(Давоми 2-бетда).

МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан халқимизнинг маданий-тарихий меросини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда таълим, илм-фан, санъатни ривожлантириш ҳамда ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жамғарма лойиҳаларини бажаришда иштирок этаётган хорижий шериклар сони тобора ортиб бормоқда. Британия кенгашининг раиси ва ижрочи директори Мартин Дэвидсоннинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи доирасида жамғарма ҳамда Буюк Британиянинг мазкур халқаро ташкилоти ўртасида 2008-2011 йилларда таълим, маданият ва санъат соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни кўзда тутадиган Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистонда миллий анъаналар, маънавий меросни қайта тиклаш, маданият, санъат, таълим, спорт соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси мазкур соҳаларда фаолият юритаётган йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. У МДҲ мамлакатлари жамоат ташкилотлари орасида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг расмий шеригига айланди, ўтган йилнинг март ойида эса Парижда бу борадаги тегишли Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, яқинда Швейцариянинг ҳамкорлик бўйича бюроси ва Хитойдаги йирик жамғармалардан бири Сун Цинлин номидаги жамғарма билан ҳам Ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

— Маданият ва таълим — мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг асосидир, — деди Мартин Дэвидсон. — Британия кенгаши дунёнинг 110 давлатида ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда 12 йилдан буён фаолият юритмоқдамиз. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Ушбу ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонни хорижга таништирамиз, Буюк Британияда мамлакатингизнинг ўзига хос маданияти ва санъати ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишларига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга оширамиз. Имзоланган меморандум халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

2007 йилда амалга оширилган ва ёш дизайнерлар ҳамкорлигини ривожлантириш, Буюк Ипак йўли ҳамда Буюк Британия мамлакатлари маданиятини оммалаштиришга қаратилган "Янги Ипак йўли ва Fashion Fringe" халқаро лойиҳаси, 2008 йилнинг июнь ойидан 2009 йилнинг январь ойигача Глазгода (Шотландия) давом этадиган кенг кўламли "Буюк Ипак йўли ранглари: Ўзбекистон сўзана каштачилиги" кўргазмаси "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Британия кенгаши томонидан амалга оширилган муҳим қўшма лойиҳалардан ҳисобланади. Шунингдек, "Офарин" ўзбек миллий чолғу асбоблари ансамблининг Глазгода бўлиб ўтган "Mela" Осиё маданияти фестивалида иштирок этиши, Лондондаги Қироллик санъат коллежида ташкил этилган "Ўзбекистон — болалар нигоҳида" фотокўргазмаси ҳам ушбу ҳамкорликнинг самараларидандир.

Британия кенгаши "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказини ҳам қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, бу ерда маҳорат сабоқлари ва тренинглар ўтказиш учун мутахассисларни таклиф этмоқда, ресурс марказига адабиётларни етказиб бермоқда, "Lingvo.master.uz" тил ўрганиш маркази ишларига ёрдам бермоқда.

А. ИВАНОВА ЎзА мухбири.

АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Нукус шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган амалий семинар ана шу масалага бағишланди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Тадбирда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси раиси А. Аҳмедов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси А. Жанибекова ва бошқалар бўлажак сайловнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти, уни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Мамлакатимизда маҳалла бошқарувининг шаклланиши ва такомиллашуви узоқ тарихга эга. Бугунги кунда ҳам маҳалла институти жамиятда одамлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, азалий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Шу боис фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари ана шундай ишларнинг уддасидан чиқадиган, халқнинг ҳурмат-эътибори ва ишончини қозонган кишилар орасидан сайланиши лозим.

Тадбирда бўлажак сайловга пухта тараддуд кўриш, тарғибот-ташвиқот ишларини талаб даражасида ташкил этиш юзасидан тажриба алмашилди.

А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Қашқадарёлик тадбиркорларнинг Хитой Халқ Республикаси 17-Урумчи халқаро ярмаркасидаги бу галги иштироки жуда баракали бўлди. Умумий ҳажми 1739,6 минг АҚШ долларига тенг бўлган олди-сотди шартномалари имзоланди.

Замонавий технологияга эътибор

Бу шартномаларнинг асосий қисмида ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш кўзда тутилган.

Вилоят тадбиркорларининг Урумчи халқаро ярмаркаси билан алоқалари анъанага айланиб қолган. Йил бошидан бери ярмарка иштирокчилари 3790,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги 63 та шартнома туздилар. Ҳозиргача 1129,6 минг долларлик замонавий техника ва ускуналар олиб келинди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухорода мамлакатимиз ҳудудида рақамли телевидениени жорий этиш асосларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Рақамли телевидение асосларига бағишланди

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ва Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир қатнашчилари рақамли телекўрсатувларни эфирга узатишнинг имкониятлари, замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, кўрсатувлар сифатини яхшилаш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Эътироф этиш керакки, айни пайтда рақамли телевидениега ўтиш юзасидан Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятлари тажриба майдони сифатида танланиб, бу борада ишлар бошлаб юборилган.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Э. ДОЛИМОВ.

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида ўтказилган футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасининг финал учрашувида "Бунёдкор" жамоаси "Пахтакор"ни 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўз тарихида биринчи маротаба бош совринни қўлга киритди.

«Бунёдкор» — кубок соҳиби!

Мамлакатимизнинг икки етакчи жамоаси ўртасидаги баҳсда ҳисобни очиш «Бунёдкор» футболчиси Жасур Ҳасановга насиб этди. У 42-дақиқада бразилиялик жаҳон чемпиони Ривалдо оширган тўпни дарвозага аниқ йўллади. Пахтакорчиларга вазиятни тенглаштириш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида Одил Аҳмедов жавоб тўпини киритди — 1:1.

Ўйиннинг иккинчи ярми кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган бўлса-да, дарвозаларга тўп киритилмади. Мусобақа қоидасига кўра, кубок соҳибини аниқлаш учун қўшимча вақт белгиланди. Унда «Бунёдкор» ҳужумчиси Анвар Солиев «Пахтакор» дарвозасига иккита тўп киритиб, жамоасининг ғалабасини таъминлади. «Бунёдкор» илк маротаба Ўзбекистон кубоги соҳибига айланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

КИЧИК БИЗНЕС САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 43,1 фоиз ўрнига **45,3** фоизгача ошди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли шундай самарага эришилди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

“Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг амалий ифодасини таъминлашда маҳалланинг ўрни, айниқса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда улар фаолиятига кўмаклашувчи маслаҳатчиларнинг ўрни беқиёсдир. Маълумки, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида Демократик сайлов принциплари асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ваколат муддати икки ярим йил этиб белгиланган.

ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишдаги энг муҳим таянчдир

Шу ўринда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда бевосита фаолият кўрсатиш учун тузилган ишчи гуруҳлари ва уларнинг ваколатлари билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиб ўтиш лозим бўлади.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари) ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмаслигидир. Мазкур норма қонунда акс эттиришидан асосий мақсад, ишчи гуруҳи томонидан амалга ошириладиган муайян ҳаракатларга, қабул қилинадиган у ёки бу қарорларга фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, яъни оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари ўз таъсирини ўтказа олмаслигини таъминлашдан иборатдир.

Янги қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади, деб қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Боиси сайлов жараёнида барча иштирокчилар учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳим. Унга қатъий риоя этиш келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олади.

Умуман олганда, ишчи гуруҳлари фаоллари фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва кўмаклашиш бўйича комиссиялар фаолияти билан узвий боғлиқ. Зеро, комиссиялар ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Энг муҳими, фуқаролар йиғинини ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилаш айнан ишчи гуруҳининг ваколатига киради. Албатта, бунда аҳоли учун қулай бўлган ҳолатлар ҳисобга олиниб, улар фуқаролар йиғинини ўтказиш куни, вақти ва жойи ҳақида камида беш кун олдин хабардор қилинади.

Фуқаролар йиғини қатнашчиларини рўйхатга олиш фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишда асосий ташкилий масала ҳисобланади. Иштирокчилар рўйхатини тузиш ҳар бир сайловчига ўзининг сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун имконият яратади ҳамда сайловда тегишли ҳудудда яшамайдиган ёхуд сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўймайди.

Қонунда ишчи гуруҳи зиммасига фуқаролар йиғини раислигига номзодлар тўғрисида таклифларни тайёрлаш ҳам юклатилган. Бунда сайловчилар номзодни рўйхатга олиш тўғрисида фикрларини ўз ташаббуси билан ишчи гуруҳига хабар қилади. Ишчи гуруҳи номзодларни, уларнинг шу лавозимга номзод этиб кўрсатилишига рози эканликларини инобатга олиб рўйхатга олади.

Аҳоли ўртасида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига оид масалалар юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам ишчи гуруҳи ваколатига киради.

Вазият талаб қилган ҳолатларда ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига қайта сайлов ўтказишни ҳам ташкил этади. Сайловчиларнинг қайта овоз бериши, дастлабки сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхатлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонунчилигимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўла яратилган. Зеро, ишчи гуруҳлари қонунда кўрсатилган ўз фаолияти билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни бевосита амалга оширувчи кучдир.

Н. МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФА

Шу йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Юртимизда ҳам бу тарихий санага муносиб тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки инсонпарварлик ғоялари жам бўлган бу халқаро ҳужжатга халқимизнинг ҳурмати жуда юқори.

Декларациянинг 25-моддаси биринчи бандида: “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлиш ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”, деб ёзилган

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

Мамлакатимизда аҳолининг баъзи қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати амалга оширилиб, ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун ва унинг манфаатларини таъминлаш учун йўналтирилган. Бу эса бевосита башарият декларациясига ҳамоҳангдир.

Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш йўлида иқтисодий-ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилди, ижтимоий ҳимоянинг янгича тизими шаклланди. Жумладан, мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки босқичи ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асосларини, ижтимоий таъминот тизимини шакллантириш даври бўлиб, бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Эндиликда эса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ривожлантирилиб, манзилли ижтимоий ҳимояга ўтилмоқда.

Мазкур тизим, айниқса, кам таъминланган аҳоли тоифасини, кўп болали оилаларни, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни, етим-есир ва ногиронларни самарали ва ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Бунда мамлакат Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги вазифаларини ҳал этишда фаол кўмак бериб келаётганини алоҳида айтиш ўринли. Хусусан, аҳолига турли ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш, нафақа ва бошқа моддий ёрдам турларини етказиш, ишсиз шахсларни иш билан таъминлаш ана шулар жумласидандир.

2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши фуқароларнинг моддий турмуш шароитини янада оширишга, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришга замин яратган эди. Ўша йили соҳага оид 24 та қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам буни тасдиқлайди.

Тараққиётнинг кейинги босқичида эса ижтимоий ҳимоянинг сифат ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди. Пенсия таъминоти тизими ислоҳ қилинди, нафақа таъминотига оид қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди, қариялар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Пенсия таъминотига оид қонунчиликнинг ислоҳ этилиши натижасида юртимизда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жорий қилиниши фуқароларнинг манфаатларини янада кенгроқ ҳимоялашга замин яратди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ этишда нафақа таъминотига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аввало, нафақаларнинг миқдорини ошириш, шунингдек, уларнинг манзиллилигини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўрилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ўз ифодасини топган.

Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш демократиянинг муҳим шартларидан бири бўлса, ушбу ижтимоий ҳимоя давлат органлари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш идоралари орқали амалга оширилиши фуқаролик жамиятининг талабларига тўла мос келади. Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифа-ваколатлар аста-секинлик билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб борилаётгани ҳам ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини оширмоқда.

Бундан олдин ижтимоий ҳимоя ночорларга ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Ҳозир бу тушунча фуқароларни иш билан таъминлаш, меҳнатига яраша иш ҳақи тўлаш, билим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш каби турмуш тарзининг барча жиҳатларини қамраб олмоқда.

Иш ҳақини кўпайтириш, бандликни, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг даромади 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори эса 76,1 фоиз ўсган. Бундан ташқари, аҳоли бандлиги 2,9 фоизга ўсган ва иш билан банд бўлганлар сони 305,9 минг кишига кўпайиб, умумий сони 10,8 миллион кишини ташкил этган. Шу жумладан, турли хизмат ва сервис соҳасида 130,2 мингта, касаначилик ҳисобига 132,6 мингта иш ўрни яратилган.

Йилнинг ўтган даврида таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида 18 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 19 та умумтаълим мактаби, 6 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан юз фоиз қамраб олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Хуллас, юртимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий сиёсат Конституциямиз, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талаблари асосида олиб борилмоқда. Бу эса декларациянинг 60 йиллик тўйига халқимизнинг ўзига хос тўёнаси бўлади.

Даврон АҲМЕДОВ,
юридик фанлар доктори.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ёшлар ижод саройида “Бола ҳуқуқлари — болалар нигоҳида” мавзуида фотосуратлар ва расмлар кўргазмаси очилди.

ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилган ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

Кўргазма

Кўргазмада болажонларнинг таълим, оилада яшаш ҳуқуқи, жамият, маданият, атроф-муҳит, спорт каби мавзулардаги ижод намуналари намойиш этилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур лойиҳа даставвал Тошкент ва Самарқанддаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ҳаваскор ёшларни фото соҳасига қизиқишини оширишга қаратилган эди. Иштирокчилар қамровининг кенгайиши натижасида энг яхши расмлардан олтмишдан ортиғи кўргазмага саралаб олинди.

— Ҳар бир бола ўзига хос қобилият, истеъдодга эга, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Маҳбуб Шариф. — Уни юзага чиқариш учун эътибор керак. Ушбу кўргазмадаги фотосуратларни томоша қилиб, болажонлар иқтидорига яна бир карра ҳавас қилдим.

Ёш истеъдодларнинг сара асарларидан ташкил топган кўргазма беш кун давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

САНОАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон саноатчилари форумида Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлардан ташқари, келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқариладиган кўплаб янги маҳсулотлар ва ишланмалар ҳам жой олди. Масалан, «Шўртангазкимё» мажмуи айни пайтда 250 миллиметр диаметргача бўлган турли ўлчамдаги қувур ва фитинглар, яъни боғловчи қисмлар ишлаб чиқараётган бўлса-да, ярмаркада 630 миллиметр ўлчамгача бўлган сув ва канализация қувурлари ва фитинглар учун кўплаб буюртмалар олди. Сабаби, бу ерда 2009 йилдан бошлаб ана шу ўлчамдаги маҳсулотлар ҳам тайёрлана бошланади.

— Қувур ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани кўплаб имкониятларни вужудга келтираяпти, — дейди мажмуанинг бош муҳандиси Алишер Баҳодиров. — Асосийси, заводимизда ишлаб чиқариш суръати йил сайин ошиб бораяпти. Полиэтилин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини йил охиригача 130 минг тоннага етказиш мўлжалланган бунга яққол мисолдир.

Бугунги саъй-ҳаракатлар келгуси йилги натижалар бундан ҳам юқори бўлишига қаратилган. Ярмарка давомида биргина қувур ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник углерод (қурум) концентрати хариди бўйича 1 миллиард 300 миллион сўмлик шартнома имзоланиши ушбу йўлдаги муҳим ишлардан бири ҳисобланади.

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик тизимидаги «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ва «Муборак газни қайта ишлаш» корхонаси жамоалари ҳам олди-сотди бўйича кўплаб келишувларга эришди. Натижада ушбу компаниянинг умумий шартномалари ҳажми 40 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу 2009 йили ишлаб чиқариш ҳажми шунчага ортади, деганидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Тармоқда замонавий техника ва технологиялардан кенгроқ фойдаланилаётгани туфайли кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл-кўл ҳосил кўтарилаяпти. Бироқ шу пайтгача қишлоқ хўжалиги техникаларининг эҳтиёт қисмлари четдан келтирилар эди.

— Мустақиллик йилларида уюшма тизимидаги таъмирлаш корхоналарида 190 хилдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаларининг эҳтиёт қисмлари тайёрлаш йўлга қўйилди, — дейди «Ўзагромашсервис» уюшмаси бош мутахассиси Маҳмуд Азимов. — Улар орасида «Кейс», «Клаас» русумли хориж техникаларининг жиҳозлари ҳам бор. Кейинги йил импорт ўрнини босадиган яна бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланади. Бу МТПлар, фермер хўжаликларининг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга хизмат қилади. Бевосита эришилган шартномалар ҳақида айтадиган бўлсам, уларнинг ҳажми қарийб 9,5 миллиард сўмни ташкил этаяпти. Бу ўтган йилдагига қараганда, 3 миллиард сўмга кўпдир. Мана шу рақамнинг ўзиёқ кооперацион биржанинг самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси савдоларининг қайси бир иштирокчиси билан суҳбатлашманг, ана шундай йирик ҳажмли шартномаларга эришгани ҳақида айтади. Бу уларнинг келгуси фаолияти учун беқиёс аҳамиятга эга эканлигини тўлқинланиб гапиради. Аслида Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида ташкил этилган форумдан ана шундай улкан мақсадлар кўзланган: тармоқлараро кооперацион алоқаларни кенгайтириб, маҳаллий хом ашё негизида импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Кеча кооперацион биржа доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси савдолари давом этмоқда.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Республикамиздаги энг йирик ва кўп йиллик тажрибага эга “Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимизнинг молия бозорида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Сабаби, банкнинг бутун фаолияти иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозлар ишончига сазовор бўлиш, уларга қулай шарт-шароит яратишга йўналтирилган. Бундан ташқари, мазкур жамоанинг хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги фаолияти ҳам сезиларли даражада кўзга ташланмоқда.

Ташаббус

Шу йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада 170 млрд. сўм эквивалентида, миллий валютада эса 96 млрд. сўмлик миқдорида маблағ ажратилгани бунинг исботидир.

Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш юзасидан долзарб вазифаларни кун тартибига қўйган эди. Бу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” жорий йилнинг 27 октябридан Сирдарё вилоятининг барча туманларида кўргазмали семинар-тренинглар ўтказмоқда. 6 ноябргача давом этадиган ушбу тадбирда вилоятдаги тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Ўзаро мулоқотлар чоғида мутахассислар семинар қатнашчиларига истиқболли ва самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш йўллари, ушбу жараёнда замонавий банк хизматлари қандай ўрин тутиши каби муҳим масалалар хусусида аниқ маълумотлар бераётирлар.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни бунёд этиш, мавжудларини модернизациялашга қаратилган фаолияти, аввало, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадлари ошиши, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АДИРЛАР ҚЎЙНИДАГИ САХОВАТ

Қува тумани сарҳадидаги “Полвонтош” деб аталувчи қир-адирлар этагида ажойиб бир боғ бўлиб, бу ерда, айниқса, мезон ойида зарғалдоқ тус олган ўрик барглари ажиб манзара касб этган эди. Ана шу ўрикзор бағрида жойлашган, дараз чинорлар билан қурилган ҳашаматли дала шийпонининг оппоқ биноси эса олисдан янада салобатли кўринарди.

— Ўша шийпон “Мирзараҳим Ҳожимат ота” фермер хўжалигиники, бу жамоани беш йилдан буён Акбарали Ҳожиматов бошқармоқда, — деди ҳамрохимиз. — Акбаралининг отаси Солижон акани яхши танийман. У киши пенсияга чиққунга қадар механизатор бўлиб ишлагани учун, Акбарали ўқувчилик пайтларидаёқ ота касбини эгаллаб олган эди. Бугун эса нафақат механизатор, балки агроном, бухгалтер, иқтисодчи, таъминотчи, менежер, ҳатто ҳуқуқшунос. Бу касбларни унга фермерлик ўргатди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқда.

— Адирликдан иборат бизнинг еримизда шунча миқдордаги ҳосилни етиштириш осон эмас, — дейди фермер хўжалиги аъзоси Аъзамжон Ҳожиматов пахтачиликда эришилган ютуқларнинг омиллари ҳақида тўхталиб. — Бунинг учун, аввало, фермер ҳар туп гўза билан “тиллаша” билиши керак. Керак бўлса, Акбарали бир кунда далани ўн марта айланади. Гўза қатор ораларини культивациялаш, ўғитлаш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунанда ва ҳашаротлар тарқалишининг олдини олиш каби барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишни биздан талаб қилади. Шу боис ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олаяпмиз. Даромад ҳам шунга яраша бўлаётир.

Интилиш

Шийпон ҳовлисининг ўртасидаги катта ҳовуз атрофига қўйилган юмшоқ диванлар, қулай курсилар, кенг экранли “ойнаижаҳон”, сўриларга тўшалган чўғдек гиламлар, сал нарида турган енгил автомашиналар, иккита ҳайдов трактори, битта юк машинаси ва бошқа техника воситалари Аъзамжон ака айтган даромаднинг қанчалик салмоқли эканлигидан далолат бериб турарди.

— Бу йил фермер хўжалиги аъзолари 25 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 80 центнердан сара дон етиштиришди. — Энг ибратлиси, улар Фарғона ёғ-мой корхонаси билан тузилган шартнома асосида ғалладан бўшаган ерга кунгабоқар экиб, бу такрорий экиндан ҳам 25 миллион сўм соф фойда олдилар.

Акбаралининг бобоси — раҳматли Ҳожимат полвон унга “Ҳамиша эл корига ярагил, болам!” дея ўгит қиларди. Бу ўгит Акбаралининг ҳаёт мазмунига, шиорига айланган. Қишлоқ мулкдори Янгиобод қишлоғини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ўзи ўқиган 23-мактаб биносини таъмирлаш ишларига бош-қош бўлаётгани, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб келаётгани бунга далил бўла олади.

— Президентимиз Тошкент вилояти фермерлари ва фаоллари билан учрашуви чоғида “Бугун мамлакатимизни равнақ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда” дея алоҳида таъкидладилар. Бу биз, фермерлар меҳнатига берилган юксак баҳодир, — дейди Акбарали Ҳожиматов. — Ана шу баҳога муносиб бўлиш учун бундан буён ҳам нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга ўз ҳиссамни қўшаверараман.



Зуҳра АЛИЕВА,
Санъат МАҲМУДОВА.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Кундалик газета

Шу йилнинг 30 октябридан Бутан Республикасида биринчи кундалик газета чоп этила бошлади.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарида ёзилишича, «Bhutan Today» номи остида чиқаётган рўзнома саккиз саҳифадан иборат бўлиб, 18 минг нусхада нашр этилмоқда.

Осиё қитъасининг ушбу мўъжаз мамлакатида ҳозиргача атиги учта газета чоп этиларди. Улардан бири ҳафтада бир, иккитаси эса ойига икки бор ўқувчилар қўлига етиб борарди.

Айтиш керакки, етти юз мингдан иборат Бутан аҳолисининг 60 фоизи саводли кишиларни ташкил этади.

«Чегара билмас шифокорлар»

«Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилоти аъзолари Нигер давлатидаги фаолиятини якунлашни маълум қилди.

«AFP» хабарида ташкилотнинг ушбу мамлакатни тарк этишига маҳаллий ҳукумат вакилларининг ноҳуш муносабати сабаб бўлгани айтилган.

— Афсуски, биз етти йиллик фаолиятимиздан сўнг бу давлатни тарк этишга мажбурмиз, — дейди ташкилот вакили Кристоф Форнье. — Аслида мамлакатдаги аҳвол мураккаблигича турибди.

Ташкилот вакиллари мамлакат расмийлари таклифига биноан мазкур ҳудудда иш бошлашганди. Манбаларда улар фаолият юритган Сахель тропик минтақаси ҳамон кўмакка муҳтож.

Эслатиб ўтамиз, «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотига 1971 йилда асос солинган бўлиб, унинг ходимлари ҳарбий низолар ва табиий офатлар содир бўлган ҳудудларда инсонларга ёрдам бериш билан шуғулланишади.

Университет ёнида портлаш

Испания шимолида жойлашган Памплон шаҳрида террорчилик ҳаракати амалга оширилди.

«EFE» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда келтирилишича, Наварро университети олдида турган машиналардан бирига ўрнатилган портловчи мослама ҳаракатга келтирилган. Натижада бир неча киши тан жароҳати олиб, бешта автомобиль ёниб кетган.

Испания матбуоти мазкур ҳаракатлар «ЭТА» айирмачи гуруҳи томонидан содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тарқатган. Чунки бир неча кун олдин «ЭТА» аъзоларидан бири Памплонда ҳибсга олинганди.

Ҳуқуқ тартибот идоралари мазкур ишга алоқадор деб гумон қилинган уч нафар эркак ва бир аёлни қўлга олган. Тинтув вақтида уларнинг ёнидан икки дона пистолет, портловчи ускуна ва уни тайёрлашда ишлатиладиган моддалар далилий ашё сифатида олинган.

Аэропорт ёпилмоқда

Германиянинг Берлин шаҳрида жойлашган «Темпельхоф» аэропорти ўз фаолиятини тўхтатмоқчи дея, хабар беради «Deutsche Welle» радиоси.

1923 йилдан буён хизмат кўрсатаётган аэропорт шаҳарнинг катта қисмини эгаллаб олган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, «Темпельхоф» 1975 йилда ҳам ёпилганди. Лекин орадан ўн йил ўтиб, 1985 йилда у яна иш бошлаган.

Аэропортнинг ёпилишига даромадларнинг кун сайин камайиб кетаётгани сабаб бўлган. «Темпельхоф» Берлин шаҳрида жойлашган энг йирик аэропорт ҳисобланади.

«Темпельхоф» фаолиятини тўхтатса, Берлин шаҳрида иккита аэропорт («Тегель» ва «Шенефельд») фаолият юритади.

Ассам штатидаги фожиа

Ҳиндистоннинг Ассам штатида 13 та портлаш амалга оширилди.

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Натижада 60 га яқин одам ҳалок бўлган, 300 дан ортиғи тан жароҳати олган. Портлашлар штатдаги савдо мажмуалари, маъмурий бинолар ва турли ташкилотларнинг офисларида амалга оширилган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан бирининг таъкидлашича, хунрезликлар маҳаллий айирмачилар томонидан ташкил этилган бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларда эса бу ишлар ортида Бангладеш мамлакатида фаолият юритаётган террорчи гуруҳлар тургани айтиб ўтилган.

Сўнгги пайтларда Ҳиндистонда амалга оширилган бундай ҳаракатлар 150 га яқин одамнинг умрига зомин бўлган.

Улкан савдо мажмуаси

«AFP» ахборот агентлиги хабар беришича, Лондон шаҳрида ҳажм жиҳатдан катталиги 30 та футбол майдонига тенг келадиган савдо маркази иш бошлади.

Мажмуа йириклиги бўйича Европада биринчи ўринда туради. Унинг қурилишига 1,7 миллиард фунт стерлинг (2,8 миллиард АҚШ доллари) маблағ сарфланган. Савдо мажмуасидан 256 та магазин, 50 та ресторан ва кинозал жой олган.

Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этганлардан бирининг таъкидлашича, қитъада ҳукм сураётган иқтисодий инқирозларга қарамай, яқин икки йил ичида мажмуа сарфланган харажатларни оқлайди.

Унга йилига 20 миллионга яқин одам ташриф буюриши тахмин қилинмоқда.

Бахтсиз ҳодиса

Хитойда қурилиш ишлари кетаётган бинода лифт қулаб тушди. «Associated Press» тарқатган хабарда берилишича, Фуцзянь музофотида кузатилган мазкур бахтсиз ҳодиса оқибатида 12 киши ҳалок бўлган.

Айни дамда воқеа юзасидан тегишли ташкилотлар текшириш ишларини олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, октябрь ойида Хитойда қурилиш майдонларида бундай кўнгилсиз воқеалар тез-тез юз бермоқда. Жумладан, шу йил 14 октябрда Шанхайда кўтарма кран йиқилиб кетиши натижасида икки киши вафот этганди. Ойнинг 10-санасида эса болалар боғчаси устига қулаган кран беш нафар норасиданинг умрига зомин бўлганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Инсон учун саломатликдан ортиқ неъмат йўқ. Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу янгиланишларнинг асосий йўналишларидан яна бири, бу тиббий хизмат сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шароитлар яратиш, жамиятда тиббиёт ходимларининг мавқеини кўтариш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Бу борада мамлакатимизда изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида тубдан янги, бажарилган ишнинг ҳажми ва сифатига боғланган тизим жорий этилди. Бу эса шифокорларнинг ўз ишига янада масъулият билан ёндашишини кучайтириб, касбий билим ва малакаларини, шунингдек, тиббий хизматнинг сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Босқичма-босқич тарзда ҳаётимизга татбиқ этилаётган тиббий ислоҳотлар боис кейинги йилларда юртимизда беморларга аниқ ташхис қўйиш мақсадида Диагностика марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган Жиззах вилояти тиббий диагностика маркази ҳам истиқлол шарофати билан ишга туширилган муассасалардан биридир. Марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши шошилинч ёрдам кўрсатишни тақозо этадиган касалликларни ўз вақтида аниқлашда муҳим босқич бўлди. Муассасада кунига 300-350 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Марказнинг компьютер томограф ускунаси билан таъминланганлиги илгари умуман аниқлаш имкони бўлмаган касалликлар бўйича аниқ ташхис қўйишда қўл келмоқда. Барча тиббий жиҳозларнинг борлиги, шифокорларимизнинг билимдонлиги туфайли марказимиз доврўғи ортиб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак, марказ нафақат вилоятимиз, балки Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сирдарё, шу билан бирга қўшни Қозоғистон Республикаси аҳолисига ҳам тиббий хизмат кўрсатиб келаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, республика тиббий муассасалари кейинги 4 йил давомида 500 дан ортиқ замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тез ёрдам машиналари билан таъминланди. Бу эса беморларга биринчи босқичдаёқ тўғри ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатишда ниҳоятда қўл келаётир.

Тиббиёт

Марказда вилоят миқёсида аниқланмаган касалликларга ташхис қўйилиб, беморлар даволанишлари учун вилоят ихтисослашган даволаш-профилактика муассасаларига ҳамда пойтахтдаги шифохоналарга юборилмоқда. Жумладан, ўтган 2007 йилда 510 нафар бемор компьютер томография текширувидан ўтказилган бўлса, шундан 180 нафарида турли хил ўсма касаллиги ва умуртқа поғонасида учрайдиган касалликлар аниқланиб, Республика нейрохирургия, онкология ва урология марказларига даволаниш учун юборилди. Ўрни келганда айтиш жоизки, илгари оддий бир касаллик учун ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Энди эса, қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилингани ва улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги учун одамлар ортиқча сарсонгарчиликлардан қутулди. Ушбу муассасаларда турли касалликларни даволаш имконияти мавжудлиги эса бугун тизимда олиб борилаётган янгиликларнинг энг катта ютуғидир. Зеро, КВПлардаги фаолият унчамунча тиббий муассасаларда олиб борилаётган хизматдан қолишмайди.

Марказда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида доимий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Зеро, бу масала ҳар доим долзарбдир. Оддийгина овқатланиш маданиятини билмаслик, тўғри овқатланмаслик сабабли ҳам турли хасталиклар келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга айрим фуқароларнинг тиббий фаолият билан шуғулланишда лицензияси бўлмаган масканларга мурожаат қилишлари, кўча-кўйдан харид қилинган дориларни истеъмол қилишлари натижасида уларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги ташвишланарли ҳолдир. Билиб-билмай истеъмол қилинган дорилар боис инсон организмида турли касалликлар ин қуриши мумкин. Марказимизга келадиган беморлар орасида нотўғри дори қўллаб, касалликка чалинганлари ҳам учраб туради. Бунинг олдини олиш эса биз, шифокорларнинг асосий вазифамиздир. Шу маънода аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида маҳаллаларда, ўқув масканларида турли тадбирлар ўтказиб, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар қилишни йўлга қўйдик.

Касалликка чалинган одамни даволаш учун, энг аввало, унга аниқ ташхис қўйиш керак. Негаки, тиббиётда: "Аниқ ташхис — биринчи даво", деган гап бор. Касалликни аниқлаш, умуман, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун эса шифокорнинг билим даражаси юқори бўлиши шарт. Шу мақсадда биргина 2008 йилнинг ўзида 8 нафар шифокоримиз ўз мутахассисликлари бўйича юртимизнинг турли клиникаларида малака оширишди. Бундан кўзланган муддао эса битта: мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдир. Зеро, халқимиз ҳар қандай бойликнинг боши соғлиқ, деб бежиз айтмаган.

Дилшод РАҲИМОВ,
Жиззах вилояти тиббий диагностика маркази бош шифокори.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 22 февралдаги 10-0604/517-сонли, 2007 йил 5 октябрдаги 10-0714/143-сонли ва 2008 йил 16 октябрдаги 10-0812/9311(2)-сонли қарорларига асосан, хатланган, қарздор «ТОМОЗЕМ» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 1 821 189 000 сўм (1 444 340 АҚШ доллари) бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда:

1. **Умумий майдони 1687 кв.м. бўлган, 2 қаватдан иборат кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси — 619 964 000 сўм (491 680 АҚШ доллари).**
2. **Вафли маҳсулоти ва шоколад глазури ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси — 1 201 225 000 сўм. (952 660 АҚШ доллари).**

Мазкур кўчмас мулклар билан суд ижрочиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ АТИБ «Ипотека-банк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2008 йил 23 июндаги 1-98-сонли ижро варақасига асосан, давлат даромадига ундирилган, Гулистон шаҳри «Ижод» ИЧТФ оборхонасида сақланаётган «Даймлер Крайслер 1840» русумли, давлат белгиси S 8145 G седан-тягач ва фургон (полуприцеп рефрежатор), «ШМИТЦ» русумли, давлат белгиси 298 SAP бўлган, соз ҳолдаги автотранспорт қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 98 271 670 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биносининг 3-қавати, 56-хонасида бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2008 йил 10 апрелдаги 02-35 ж/2008-сонли ижро варақасига асосан, давлат фойдасига ундирилган, Мирзаобод тумани «Дони» ИЧТФ омборхонасида сақланаётган «BMV-x5» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолдаги автомашина қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 66 830 700 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ТИФ Миллий банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452054, МФО 00363, ИНН 200 933 850.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР — МЕНИНГ ИЛҲОМ МАНБАИМ

Ёзги таътил пайтида тинчиб қолган Франция пойтахтининг маданий ҳаёти арғувон барглар куз шамолида ўйноқлаб тушаётган бир паллада яна жонланмоқда. Париж кўчаларию метро бекатлари кўргазма, концерт ва маданий кечаларга чорловчи ранг-баранг эълонлар билан тўлиб-тошган.

Ўтган ҳафтада сайёҳлик, хизмат вазифаси ёки шахсий иши билан бу ерга келган ватандошларимиз Париж кўчаларида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг концертига чорлаган афишаларни кўриб ҳайратланган ва ғурурланган эди.

Жорий йилда Муножот Йўлчиева Париж шаҳар театрида илк бор концерт берганининг 13 йиллигини нишонлаяпти. 1996 йилда бўлиб ўтган ўша илк концерт атоқли хонандамиз Ғарбий Европада мислсиз даражада машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлган эди. Ўтган йиллар давомида Францияда санъаткоримизнинг кўплаб мухлислари пайдо бўлиб, улар Парижга Муножотнинг ижросидан баҳраманд бўлиш учун мамлакатнинг турли бурчакларидан келади. Айтиш жоизки, чипталар концертдан бир неча ой муқаддам сотиб бўлинади. Бу йилги дастурда ҳам шундай бўлди. 18 октябрь куни 850 нафар томошабинга мўлжалланган Париж шаҳар театрида бўш ўринлар йўқ эди — омадли томошабинлар концертга чипта олишга улгурган, бир қанча томошабинлар амфитеатр зиналарида тик туриб концертни кўриш билан кифояланишга мажбур бўлди.

Европа мусиқа мактаби қонунларидан тубдан фарқ қилувчи ўзбек халқ чолғу асбобларининг наволари, саҳнани безаб турган гилам ва Марғилон хонатласининг товланиши концертнинг илк дақиқалариданоқ театр залига сир ва назокатга бой бўлган ажиб бир шарқона муҳит бағишлади. Аммо бу томошабинларни ажойиб санъат олами томон чорлаш йўлидаги тайёргарлик эди, холос. Сабр-тоқат билан кутган франциялик санъат шайдоларининг умидлари ушалди, улар ўзлари кутган ва тасаввур қилгандан-да мароқлироқ концерт дастурининг гувоҳи бўлишди.

Санъат

Маълумки, М. Йўлчиеванинг дастури ўзбек мумтоз қўшиқларидан, хусусан, «Шашмақом»дан ташкил топган. Хонандамиз бу сафар ҳам анъанага содиқ қолиб, француз томошабинини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб мумтоз асарларни зўр маҳорат билан ижро этди. Залдагилар қўшиқ матнига тушунмаган бўлсалар-да, Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий шаҳарлардан бирининг вакиласи бўлмиш ажойиб хонанданинг овози ва куй оҳангига асир бўлишди. Ана шундай кўтаринкилик кайфиятида юксак маънавий завқ олган томошабинлар учун концерт қандай ўтгани билинмади ҳам.

«Нега шундай овоз соҳибаси бўла туриб опера қўшиқчиси бўлмагансиз?» деган саволга хонанда «Халқим куйлаб ва эшитиб келган мумтоз қўшиқлар мен учун илҳом манбаидир», — дея жавоб берди.

Муножот Йўлчиеванинг Париждаги гастроли «ҳақиқий санъат миллат ва мамлакат билмайди, у фақат инсонларни эзгуликка чорлайди ва табиатга яқинлаштиради», деган иборанинг нақадар тўғри эканлигини яна бир бор намойиш этди.

«Жаҳон» АА, Париж.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2008/2009 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРА

математик анализ; дифференциал тенгламалар; математик физика; геометрия ва топология; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик мантиқ; алгебра ва сонлар назарияси; суюқлик, газ ва плазма механикаси; оптика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; электрофизика; ноорганик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биофизика; биокимё; ботаника; вирусология; зоология; эмбриология, гистология ва цитология; генетика; тупроқшунослик; умумий ва минтақавий геология; палеонтология ва стратиграфия; минерология, кристоллография; математик моделлаштиришнинг назарий асослари, картография; Ўзбекистон тарихи; умумий тарих (тегишли давр тарихи); археология; этнология (этнография); иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; диалектика ва билиш назарияси; фалсафа тарихи; эстетика; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти); миллий адабиёт тарихи; адабиёт назарияси; журналистика; ўзбек тили; славян тиллари; герман тиллари; адабий манбашунослик ва матншунослик; умумий тилшунослик, социолингвистика, психолингвистика; қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; қуруқлик гидрологияси, гидрохимия; метереология, иқлимшунослик, агрометереология; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; маданият назарияси ва тарихи; умумий психология; педагогик ва ёш психологияси; социология назарияси, услубияти ва тарихи.

ДОКТОРАНТУРА

суюқлик, газ ва плазма механикаси; биофизика; Ўзбекистон тарихи; ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти); журналистика; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; маданият назарияси ва тарихи.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2008 йил 5 ноябргача.

Маълумот олиш учун университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, маъмурий бино, 11-қават, 113-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 246-74-35.

1653R/1722

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-08-25
232-10-63
242-хона

E-mail: Xalq_suzi@rambler.ru

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

аспирантура ва докторантурага қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Фан соҳаси, ихтисосликлар шифри ва номлари		Жорий йил қабул режаси	
		Аспирантура	Докторантура
	Жами	**5**	**2**
01.00.00	**Физика-математика фанлари**	**1**	
01.04.19	Полимерлар физикаси	1	
02.00.00	**Кимё фанлари**	**2**	**2**
02.00.06	Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	1	
	Композицион материаллар кимёси ва технологияси	1	2
05.00.00	**Техника фанлари**	**2**	
05.02.01	Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича)	1	
05.17.11	Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси	1	

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.

1672R/1716

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.А.Семашко номидаги Иккинчи физиотерапия клиникаси жамоаси бош врач **Улуғбек Козимбекович ҚАҲАРБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "SPORT" телерадиоканали ДУК "Машъал" радиоси жамоаси меҳнат фахрийси **Абдумалик НАБИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

▼ Ҳарбий таълим

Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинларида ёш авлод вакилларидан муносиб ўринбосарлар тайёрлаш тобора яхши йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда МХХ чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари қошида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ҳарбий чақириққача бўлган ёшдаги ўқувчи ҳамда талабалардан иборат 150 дан ортиқ «Ёш чегарачилар» клублари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда ушбу клубларга 1900 га яқин ўқувчи ва талаба аъзодир. Мазкур клубларни ташкил этишдан асосий мақсад ёш авлодда ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, Давлат чегараси дахлсиз ва муқаддас эканлигини қалбига сингдириш асносида ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомлари ва Ҳарбий қасамёднинг асосий талабларини ўргатиш, шунингдек, уларни халқига, Президентига ва Ватанига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашдир.

ИЗДОШЛАР

Клуб аъзолари билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш, МХХ чегара қўшинларида хизматни ўташ, жисмоний тайёргарлик, саф тайёргарлиги, жанговар қуролларнинг тузилиши, уларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, қуролни қўллаш, ҳарбий техника билан таништириш бўйича доимий равишда машғулотлар ўтказиб келинади. Ёш чегарачилар ҳарбий қисмда ташкил этилган тадбирларда фаол қатнашадилар. Бу ердаги байрамлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

Яқинда Термиз туманидаги 26-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари «Чегарани қўриқловчи кемалар ва катерлар алоҳида базаси»га ташриф буюрдилар. Дарвоқе, ушбу ҳарбий қисм ўтган ўқув йили якуни бўйича Қуролли кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловнинг «Энг илғор қўшилма» номинацияси бўйича ғолиби деб топилганди. Президентимиз Фармонига биноан МХХ чегара қўшинларига қарашли «Чегарани қўриқловчи кемалар ва катерлар алоҳида базаси» давлатимизнинг юксак мукофоти — «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан мукофотланди.

Ёш чегарачилар ҳарбий қисмда замонавий техник воситалар ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ўқув мажмуасида бўлдилар. Аскарлар ошхонаси, ётоқхонадаги шароитлар билан танишиб, ётоқ ўринларини тартибга келтириш жараёнини ўргандилар. Клуб аъзолари саф тайёргарлигини ўтагач, қуролни қўллаш кўникмаларига эга бўлдилар. Жанговар катерларда малакали мутахассислар иштирокида машғулотлар ўтказилди...

Ёш чегарачилар ҳарбий қисмлар, чегара қўшинлари тарихи музейига ҳам тез-тез ташриф буюради. Аждодларимиз мероси, ҳарбий қисм тарихи, чегарачиларнинг хизмат фаолияти ҳақида ҳикоялар тинглаш ёш чегарачилар учун доимо мароқлидир.

Учрашувлар давомида ёш чегарачилар ўзлари учун қизиқ бўлган турли маълумотларга эга бўладилар. Ҳарбий хизматни ўтаётган аскар йигитлар ёшларга ўз тажрибаларини сўзлаб берадилар.

Тошкент туманидаги «Кенсой» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида фаолият юритаётган "Ёш чегарачилар" клуби ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, ушбу коллежнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулоти ўтказиладиган хонасида "Ёш чегарачилар" клуби бурчаги ташкил қилинган. Биз бу ерга ташриф буюрганимизда хоналар чегарачилар хизматига оид плакатлар билан жиҳозланганлиги, машғулотлар кўргазмали ўқув қуроллари ёрдамида ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик.

Талабалар ҳарбий соҳанинг сир-асрорларини ўта қизиқувчанлик билан ўрганишмоқда. Ҳар бир дарс кўргазмали қуроллар асосида ўтказилади. Ана шундай ёш, умидли устозлардан бири Абдураҳим Сулаймоновдир. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клуби фаолияти ҳақиқатда ҳам ибратлидир.

Абдураҳим Сулаймонов Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг ҳарбий таълим факультетини тугатгач, коллеж талабаларига билим ва тажрибаларини ўргата бошлади. Тиним билмайдиган ёш устоз МХХ чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бири билан ҳамкорликни йўлга қўйди. «Ёш чегарачилар» клуби аъзоларини ҳам саралаб олиб, фаолият бошлади. Клуб аъзолари билан тез-тез ҳарбий қисмга ташриф буюриб, чегарачиларнинг хизмат фаолияти ҳақида таништиришни режага мувофиқ йўлга қўйди.

Ҳа, ҳарбий соҳадан сабоқ бераётган устозларнинг ибратли фаолияти умуман, ёшларни хизматга тайёрлаётган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг сифатли ва самарали ўқитилиши катта аҳамиятга эга. Чақирувга қадар ёшларни тайёрлашнинг асосий вазифалари бошланғич ҳарбий билимлар, жисмоний тайёргарлик, Ватанимиз тарихини, рамзларини ўрганиш, ватанпарвар фуқарони шакллантириш кабиларни қамраб олади.

Зеро, бу ҳаракатлар амалда ўз натижасини кўрсатмоқда. "Ёш чегарачилар" клублари ташкил этилганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, клуб аъзоларининг аксарияти мактаб ва коллежларни тамомлаб, МХХ чегара қўшинларида муддатли ҳарбий хизматларини ўтадилар, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирдилар. Айримлари эса бугунги кунда ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттирмоқда.

Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ,
майор.
Шароф МАВЛОНОВ олган сурат.

ЭЗГУЛИК ЭГАЛАРИ

Йўлда кетаётиб фермерлар ҳаётидан лавҳа тайёрламоқчи эканлигимни айтишимни биламан, ҳамроҳларимдан бири деҳқончиликни сув қилиб ичган Раҳимжон ака Орипов тўлқинланиб кетди:

— Э, ниятларингга балли! — деди у. — Бугунги ҳаётимизни фермерларсиз тасаввур этиш мушкул. Мана, биргина вилоятимизнинг ўзида йигирма мингдан ортиқ фермер бор. Пахта, дон, сабзавот, мева–чева етиштиришдаги муваффақиятлари билан танишсангиз, амалга ошираётган бунёдкорлик ишларини ўргансангиз, раҳмат, дейсиз.

— Тўппа-тўғри, — дейман мен. — Хориждан келган меҳмонлар пойтахтликларнинг дастурхонини кўриб оғизлари очилади: биздаги узум, анжир, анор, шафтоли, беҳи, қовун-тарвузлар яна қаерда бор?! Помидор, бодринг, кўкатлар йил ўн икки ой узилмайди. Буларнинг ҳаммаси кимнинг хизматлари, вилоятимиз фермерларининг-да...

— Пискентликлар чорваси билан машҳур. — Раҳимжон ака жўшади. — Оққўрғонликлар полизни боплашади. Чиноз эса балиғи билан оғизга тушган. Фермерлик ҳаракати бошланди-ю, барака кўпайди.

Раҳимжон ака менга қарайди. Дўстимни акага таништиргандай бўламан.

— Жонажон ўртоғим Қосимжон. Шаҳарнинг қоқ ўртасида яшайди. Ўзи қўли гул наққошу, аммо қизиқмаган соҳаси қолмаган.

Қосимжон гапига "газ" босади. Нуқул униси ишини ташлаб кетди, буниси касод, бошқаси алламбало. Қисқаси ўжарлиги тутган. Фермерликни эплаганни кўрганим йўқ.

— Бўлмаса, — гапни чўрт кесади Раҳимжон ака. — Беш-олти фермернинг иши билан танишгани бориб келамиз. Маъқулми?!

Йўлга тушдик. Қибрай туманига яқинлашганимизда Раҳимжон ака Қосимжонга юзланади:

— Чиқиндидан маҳсулот ишлаб чиқарган тадбиркорлар ҳақида эшитганмисиз?

— Чиқиндидан? — Қосимжон ҳайрон бўлади.

— Масалан, эски плёнка, ишлатилган идишлар, пакетлар ва бошқа ташлаб юборилган нарсалардан маҳсулот ишлаб чиқараётганларни...

▼ Воқеий ҳикоя

— Чет элда шундай қилишаяпти деб эшитгандим, — Қосимбой иккиланиб жавоб беради.

— Ҳе, — Раҳимжон ака кулади. — Четни қўйинг. Вилоятимизда хорижликлар билан беллашадиган, керак бўлса, улардан ўзиб кетаётган йигитларимиз бир талай. Мана шу Қибрай туманида Муҳиддинжон деган ишбилармон йигитимиз бор. "Чирчиқ-Баратов" фермер хўжалиги қошида "Пекин Чирчиқ" қўшма корхонасини ташкил этди. Чиқиндилардан сунъий қоп, плёнка ишлаб чиқараяпти. Эҳтиёждан ортганини Россия, Қирғизистон, Қозоғистон каби қатор давлатларга экспорт қилаяпти. Юзга яқин йигит-қизларнинг иш билан таъминланганини айтмайсизми...

— Бир кўрсак бўладими, — Қосимжон сўз қотади.

— Албатта. Айтганча, йигитлар ўз йўлига. Шундай фермер қизларимиз борки, бир ўзи қирқ йигитга тенг келади. Ҳув ана, шулардан бири қарта бошида турибди. — Раҳим ака ўйчан даласини кузатаётган қизга имлайди. — Тўхтаймиз.

Бирин-кетин машинадан тушамиз.

— Бу киши Гўзалхон фермер, — Раҳим ака тавозе билан таърифга ўтади. — Гўзалхоннинг ўзи гўзал, иши ўзидан-да гўзал. Биргина ғалладан миллион-миллион даромад топади. Ишонмасангиз ўзидан сўранг.

— Мақтовга тўн кийдириб юборасиз-да, — деб Гўзалхон жилмаяди. Муддаойимизни билгач, жиддийлашади. — 88 гектар еримиз бор. 40 гектарида буғдой етиштирамиз. Ғалладан катта хирмон уйдик. Шунга яраша даромад қилдик.

Раҳимжон ака Қосимжоннинг қулоғига шивирлайди:

— Қойилмисиз?..

Дўстим чайналади.

Раҳим ака Оққўрғоннинг қалдирғоч фермери Абдумалик Каримов хўжалигига бизларни бошлаб келганида кун оғаётган эди. Фермер бизнинг келишимиздан жуда қувонди. У билан суҳбатдан хўжалик кўп тармоқли эканлигини билиб олдик.

— 50 гектар ер олиб иш бошлаган эдик. Ҳозирда экинзорлар 200 гектарга етди. Ўтган йили 130 миллион соф даромад олдик. Бу йил гектаридан 55 центнердан ғалла ҳосили кўтариб, 110 миллион сўмлик уруғлик буғдой сотдик.

— Йилдан-йилга мактаб, боғча, кам таъминланган оилаларга Абдумаликнинг кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамлари миқдори ортаётгани шундан, — деб гап қўшади Раҳимжон ака Қосимжонга маъноли қараб қўйиб.

Дўстим чидолмайди. Икки қўлини кўксига қўяди.

— Бўлди ака. Тан бердим.

Раҳим ака кўнмайди.

— Эркакнинг гапи битта. Қайтишда Муҳиддинжоннинг қўшма корхонасини кўриб ўтамиз.

Саид АНВАР.

Ҳаёт манзаралари

Фалсафа фанлари доктори, профессор Нажимий янги қурилган уйнинг иккинчи қаватидан тўрт хонали уй олиб кўчиб келди. Тўғридаги бир хонали уйда эса, консерватория талабаси яшар экан. Профессор ёзув столига ўтирди дегунча, талаба машқ бошлайди. Бу нотинчлик олимнинг асабига тегди. Хаёли бўлинди, ишлай олмади, қаламини жаҳл билан ирғитиб, ўрнидан туриб кетди, у ёқдан-бу ёққа юриб, кетма-кет сигарета чекарди.

Ғижжакчи талаба

— Шу уйни қурганларга ҳайронман, қўлингни ювсанг ҳам қўшнингга эшитилади. Мана бу ғижжакчини айтмайсизми, ким қўйибди унга бунақанги уйда ёлғиз яшашни!

Профессор асабини босмоқчи бўлиб диванга ёнбошлади, бироз газета ўқиган бўлди, кейин кўзи кетиб ухлаб қолди.

Эрта тонгда туриб, бироз ишламоқ ниятида ёзув столига энди ўтирган ҳам эдики, яна ғижжак овози келди, талаба яна машқ бошлади. Профессор қоғоз-қаламини йиғиштириб, катта хонага чиқиб кетди. Аксига олиб ғижжак овози катта уйда негадир яна ҳам қаттиқроқ эшитиларди. Фиғони фалакка чиқиб, қулоғига пахта тиқиб олди, лекин фойдаси бўлмади.

Олим энди ўзини тута олмади, шартта чиқиб қўшнисининг эшиги қўнғироғини кетма-кет боса бошлади. Ғижжак овози тўхтади, озғингина, кўзойнак тақиб олган йигит бевақт ва бемовруд чалинган қўнғироқдан ҳайратда эшикни очди.

— Нима гап ўзи? — сўради талаба.

— Тинчлик ука, саломатмисиз, мен қўшнингиз профессор Нажимий бўламан.

— Ассалом алайкум, — деди талаба мулойимлик билан.

— Алайкум ассалом.

— Қани, домла, уйга кирамиз, — деди самимийлик билан.

— Раҳмат, ишим жуда кўп, бир илтимос билан чиққан эдим...

— Бош устига, — деди у қўлини кўксига қўйиб.

— Иш қилаётган эдим... — деди профессор.

— Бирор нарса керак бўлса, олиб келиб берайми ёки бошқа хизматингиз борми?

— Йўқ, йўқ, асло ундай эмас, мен дарсга тайёрланаётган эдим, аммо ғижжагингиз бироз халал беряпти...

— Сиз ишда бўлган вақтингизда мен ўқишда бўламан-ку, домла.

Хуллас, бир қарорга келинмади. Профессор аҳволнинг иложсиз эканлигини тушунди, не қилсин, тақдирга тан беришга мажбур энди. Аввалига, жуда қийналди, қарангки, энди парво қилмай ишлайверадиган бўлиб қолди. Ойлар ўтиши билан ғижжакнинг майин овозига ўрганиб, баъзан ҳатто ишлаб ўтирганда ҳам музика оҳангига калласини қимирлатиб ўтирарди.

Кунлардан бир кун профессор зўр иштаҳа билан ишга ўтирган ҳам эди, ғижжак овози не учундир эшитилмади. Фикрига ҳеч нарса келмай, мулоҳазалари гўё чувалашиб кетгандек. Кейин ўрнидан туриб, сигарета тутунини тутунга улаб чека бошлади. Асаби бузилди, ҳечам ишлай олмади. Диванга ётиб газета ўқиди, кейин чарчаб ухлаб қолди.

Эрта билан туриб, яна ёзув столига ўтирди. Ғижжак овози яна эшитилмади. Бир нарсасини йўқотгандек, гугурт қидирди. Хотинини жеркиб, гугурт сўради. Кейин сигаретасини тутатганча талабаникига чиқди, қўнғироқни босди, ҳеч ким очмади, эшикни итарган эди, қарасаки очиқ экан. Секин-аста ичкарига кирди, талаба кўрпа-ёстиқ қилиб ётибди, бўйнини сочиқ билан боғлаб олган.

— Ҳа, ука, нима бўлди ўзи?

— Домла, қаттиқ шамоллаб қолдим.

Профессор дарҳол чиқиб аптекадан зарур дориларни олиб келиб берди. Газда сут қўйиб иситди, уни боржом билан қўшиб ичирди, кечқурун ҳамширa чақириб банка қўйдирди. Касал секин-аста соғая бошлади, бир ҳафта деганда оёққа туриб, уйдан ғижжак овози эшитила бошлади.

Профессор яна хотиржам ёзув столига ўтирди...

Мақсуд ҚОРИЕВ.

2008 йил — Ёшлар йили

Истеъдодлар намойиши

Республика қўғирчоқ театрида "Янги авлод форуми" Болалар ижодиёти маркази қошида ташкил этилган "Дефиле" мода театрининг катта ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

У "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан уюштирилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби улуғвор мақсадларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаётир.

— "Дефиле" мода театри 2007 йилда ташкил топган, — дейди театр бадиий раҳбари Мария Храмова. — Бугунги кунда жамоамизда 30 нафардан ортиқ болажонлар ўз иқтидор ва истеъдодларини саҳна асарлари, мода ҳамда рақс тўгаракларида бойитиб келмоқдалар. Қувонарлиси, жамоамиз республика миқёсида ташкил этилаётган кўплаб фестивалларда муваффақиятли қатнашаётганлигидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

АТСларда терминаллар

Фарғона шаҳридаги 10 дан зиёд автомат телефон боғламаларида барча банкларнинг терминаллари ("Ўзсаноатқурилишбанк"дан ташқари) ишлаб турибди. Тўловнинг бу замонавий, қулай тури орқали мижоз шаҳарлараро сўзлашув ҳамда олдиндан бериладиган тўловларни истаган миқдорда амалга ошириши мумкин.

Келгусида вилоятдаги тижорат банкларнинг терминаллари хизматидан вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам фойдаланиш режалаштириляпти.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Биринчи турдан сўнг

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида қўл тўпи бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Беш кун давом этган беллашувлардан сўнг барча ўйинларни ғалаба билан якунлаган Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти (СамДМҚИ) жамоаси 10 очко билан турнир жадвали пешқадамига айланиб олди. Ўзбекистон миллий университети (ЎзМУ) жамоаси ҳозирча 8 очко жамғариб иккинчи, Олмалиқнинг ОТМК клуби эса 6 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

10-16 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган иккинчи тур ўйинларига Самарқанд шаҳри мезбонлик қилади.

Шахмат тожи Ананда

Халқаро гроссмейстерлар Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ва Владимир Крамник (Россия) ўртасидаги чемпионлик беллашуви сўнгги — ўн биринчи партиягача қизғин давом этди.

Якуний натижаларга кўра (6,5 : 4,5), Вишванатан Ананд жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа давомида ҳиндистонлик шахматчи жамоасида ҳамюртимиз — собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов маслаҳатчи сифатида ёрдам кўрсатди.

Футбол бўйича миллий чемпионатимиз пешқадами «Бунёдкор» жорий мавсумни кўтарикни руҳда ўтказиб, ишқибозлар меҳрини қозонмоқда.

Абдураимов «Бунёдкор»да

Қолаверса, юртдошларимизнинг Осиё чемпионлар лигасидаги биринчи уринишда ярим финалгача етиб борганлигини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Хабарингиз бор, яқинда жамоага бразилиялик мутахассис Зико бош мураббий этиб тайинланганди. Клуб матбуот хизматининг тарқатган хабарида айтилишича, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ўйинчиси Азамат Абдураимов "Бунёдкор" жамоасида спорт директори вазифасида иш бошлади. Шу кунгача ушбу лавозимда фаолият кўрсатган Бахтиёр Бобоев бундан буён клуб менежери лавозимида ишлайди.

Маълумки, яқинда ўзининг 42 ёшини нишонлаган Азамат 1994 йили миллий терма жамоа сафида Осиё ўйинлари ғолиби бўлган. Москванинг "Спартак", Тошкентнинг "Пахтакор", шунингдек, Тожикистон, Малайзия, Бангладеш, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони клубларида тўп сурган. Мини футбол бўйича мамлакат терма жамоаси ва Тошкентнинг «Ардус» клубини бошқарган ҳамда айнан унинг қўли остида пойтахтliklar Ўзбекистон чемпиони бўлишган.

Азамат Абдураимов Россиядаги мураббийлар Олий мактабининг биринчи ўзбек битирувчиси ҳисобланади. У 2006 йил "Байер" (Германия)да амалиёт ўтагач, мураббийлик дипломини қўлга киритган эди.

З. ЖОНИБЕКОВ
тайёрлади.



Ёш теннисчилар беллашуви

Тошкент шаҳрида ёш теннисчилар ўртасида Убай Орипов хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда ҳамюртларимиздан ташқари, қўшни Қозоғистон давлатидан келган ёш ракетка усталари ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Якунда вакилларимиздан Владислав Харламов, Абдували Абдураҳмонов, Екатерина Клюева ва Сарвиноз Бакирова каби умидли ёшларимиз совринли ўринларни қўлга киритишди.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Тиббиётимизда янгилик

Мамлакатимиз мутахассислари инсоннинг думғаза суягидаги хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш усулларини танлашга ёрдам берадиган компьютер дастурини яратдилар.

▼ Яхши хабар

Ўзбекистон Давлат патент идораси маълумотларига кўра, мазкур дастур суяк емирилиши билан боғлиқ касалликларни даволаш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда қўл келади.

Ш. ЗАЙНИЕВА.

Кийик ўти

Биласизми?

Бу ўсимлик зиравор ва доривор сифатида маълум. Унинг бўйи 60-80 см. Тоғ ёнбағирларининг тошли жойларида ўсади. Барглари майда, текис, тукли, поялари ингичка, кулранг, гуллари бинафшаранг, ўзига хос ҳидга эга. У тоғли халқлар таомларининг асоси ҳисобланади. Сабзавотларни сақлашда, меваларни консервалашда қўлланилади.

Унинг кимёвий таркибида эфир мойи, ментол, пинен, пулогон каби моддалар бор. Шу билан бирга, дармондорилар, микро элементлар, органик кислоталар ҳам сақлайди. Ғарбий Осиё ва Ўрта Ер денгизи ҳудудларида 30 тури, Марказий Осиё, Кавказ ва Олтой ўлкаларида 22 тури ўсади.

Кийик ўти иштаҳа очади, таом ҳазм бўлишини тезлаштиради. Томоқ оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санчиғига даво.

Юрак ҳаприқишига ва беҳаловатликка таъсир берувчи омил сифатида тавсия этилади. Ичбуруғ, колит хасталикларида шифо бўла олади. Пешобни енгил ҳайдайди, ортиғи эса ҳатто қон кетказиши мумкин. Кийик ўтининг барг дамламаси гипертония — қон босими ошганида яхши наф келтиради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.50 8